

**SCIENCE  
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzARB  
muammolari**

Jild 3, Son 10

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 10 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине – педагогика фанлари доктори, доцент.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-туманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиги.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Фарманова Гулнара Комилевна*

МЕТОДЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА ..... 9-18

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ-30-ЙИЛЛАР БОШИ) ..... 19-26

*Ахмедов Шахзод Фарход ўғли*

МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ ..... 27-34

*Mirsoatova Sayyora Turg'unovna*

MARKAZIY FARG'ONA NEOLIT JAMOALARI MADANIYATI HAQIDA MULOHAZALAR ..... 35-39

*Янгибоева Дилноза Ўқтамовна*

МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАҲДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ..... 40-48

*Maҳмудов Эркинжон Асқаралиевич*  
АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРГОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ..... 49-53

*Yoriqulov Nasibulla Xoliyorovich*

О'ZBEKISTON HUDUDIGA G'ARB ME'MORCHILIK AN'ANALARINING KIRIB KELISHI ..... 54-58

*Ergasheva Bahridil G'olibjonovna*

IJTIMOIY TARMOQLARDAGI REKLAMALARNING IJTIMOIY-MA'NAVIY HAYOTGA TA'SIRIGA DOIR MULOHAZALAR (ETNOSOTSILOGIK TAHLIL) ..... 59-65

*Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли*

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ..... 66-74

*Boltayeva Moxichehra Jamshid qizi*

XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA ERISHILGAN KO'RSATKICHLAR (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA) ..... 75-80

*Кандахаров Анваржон Хасанович, Бабаярова Шахноза Шухратовна*

БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ

ТАРИХИГА БИР НАЗАР ..... 81-86

### **8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Boltayev Nurali Shiramatovich*

AGRAR OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI ..... 87-93

*Дустова Мухайё Худайбердиевна*  
 РОСТ, УСТОЙЧИВОСТЬ, ДОХОДНОСТЬ: ЭКОНОМЕТРИКА ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ НА  
 СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ ..... 94-102

*Ravshanov Malik Naimovich*  
 METHODOLOGY FOR DETERMINING THE NEED FOR ECONOMIC RESOURCES OF THE ROAD  
 TRANSPORT COMPLEX..... 103-108

*Xushmuradov Oman Namozovich*  
 TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI ..... 109-115

*Raximjonov Kamronbek Ilxomjon o'g'li*  
 DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISH ..... 116-121

#### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Наврӯзова Гулчехра Нигматовна*  
 АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ ..... 122-128

*Talapov Baxriddin Aljanovich*  
 KONSTITUTSIONIZM DEMOKRATIK RIVOJLANISHNING ASOSI SIFATIDA ..... 129-134

*Tajibaev Muxiddin Abdurashidovich*  
 JAMIyat HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING  
 AHAMIYATI ..... 135-140

*Солиев Икромжон Комилжонович*  
 РАҶАМЛИ ДУНЁДА ИНСОН ҚАДРИ МУАММОСИ: ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН .... 141-147

*To'xtayev Xakim Primovich*  
 TASAVVUF TA'LIMOTLARIDA QADRIYATLAR TRANSFORMATSIYASINING NAMOYON  
 BO'LISH XUSUSIYATLARI ..... 148-153

*Уразалиева Гулшада*  
 СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИИ «ГЕНДЕР» В СИСТЕМЕ  
 ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ ..... 154-160

*Гуламова Мавжуда Ташиулатовна*  
 ИЖТИМОЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА КУМУШХОНАВИЙ  
 ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ ..... 161-165

*Xoliqov Lazizjon Maxmud o'g'li*  
 GLOBAL O'ZGARISHLAR SHAROITIDA O'ZBEKISTONNING IJTIMOIY-DUNYOVII DAVLAT  
 SIFATIDAGI MAQOMI (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL) ..... 166-171

*Quvonov Sardor Zokirovich*  
 MA'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA “MANOQIBI SHAYX XUDOYDOD VALIY”  
 ASARINING AHAMIYATI ..... 172-179

#### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Халметова Мехрибону Гайратжоновна*  
**ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТСКОЙ ЛЕКСИКИ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ  
ЯЗЫКАХ ..... 180-186**

*Abdijabbor Amanov*  
**MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIKNING MATNNING KATTA BIRLIGI SIFATIDA O'ZIGA XOS  
XUSUSIYATLARI ..... 187-194**

*Umarova Xurshida Zikiryoxonovna*  
**AQSH ADABIYOTIDA PSIXOLOGIK ROMAN TADRIJI ..... 195-203**

*Odinayev Bekqul Imamqulovich*  
**LISONIY SHAXS: TA'RIF, TAHLIL, TALQIN ..... 204-210**

*Jaloliddin Jo'rayev, Jamoliddin Jo'rayev*  
**"DEVONI LUG'ATIT-TURK" VA "GULSHAN UL-ASROR" DAGI QADIMGI TURKIY SO'ZLAR  
QIYOSI ..... 211-217**

*Saidov Akmal Azimovich*  
**"TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI" YO'NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA  
MADANIYATLARARO MULOQOT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH ..... 218-224**

## **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Qosimov Botirjon Ma'rufjon o'g'li*  
**SUDYALAR OLIY KENGASHINI SUDYALARARNING CHINAKAM HAMJAMIYATI ORGANIGA  
AYLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY MASALALARI ..... 225-231**

*Жўраев Дилмурот Мухторович*  
**МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН  
НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА  
ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР ..... 232-240**

*Эшонхонов Камолхон Маматхонович*  
**БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ  
КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР ..... 241-246**

*Бўриев Одил Қобилович*  
**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ  
МЕЗОНИДИР ..... 247-253**

## **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Umarzoda Shohruh Azamat o'g'li*  
**"ALGORITMIK TILLAR VA DASTURLASH ASOSLARI" FANI MAZMUNI VA O'QITISHNING  
MAVJUD HOLATI ..... 254-259**

*Эргашева Гули Исмоил кизи, Инамова Гуллола*  
**ЗНАЧИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ  
КОММУНИКАЦИИ ..... 260-265**

<i>Bobomurotov Sirojiddin Mengziyo o'g'li</i>	
BOSHLANG'ICH SINFLARDA TABIIY FANLARNI VARIANTIV TUSHUNCHALAR ASOSIDA O'QITISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING O'RNI .....	266-271
<i>Xudoyberdiyev G'iyosiddin Baxtiyor o'g'li</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI .....	272-277
<i>Ботиров Азизбек</i>	
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ .....	278-283
<i>Эшбеков Сардор Журакулович</i>	
ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРVARЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	284-288
<i>Abdullaeva Feruza Suyunovna</i>	
KASBIY TERMINOLOGIYANI O'RGATISHDA INTERAKTIV TEXNOLOGIYALARNING O'RNI .....	289-293
<i>Ortiqov Oybek Rustamovich</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING TASHKIL ETILISHI.....	294-298
<i>Erhanova Nasiba Absayitovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING "TIL VA NUTQ" MARKAZIDA INNOVATSION FAOLIYAT OLIB BORISH .....	299-303
<i>Robiya Mannopova</i>	
INNOVATIVE COMPETENCY AS A CORE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS.....	304-308
<i>Qodirov Olim Odilovich</i>	
REFLEKSIV YONDASHUV, UNING MOHIYATI VA KONSEPTUAL ASOSLARI.....	309-314
<i>Xaydarova Mahliyo Xabibullayevna</i>	
TARBIYA FANINI O'QITISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI.....	315-322
<i>Xasanova Gulsanam Xusanovna</i>	
IJTIMOIY-MADANIY FAOLIYATDA MAGISTRATURA TALABALARINING TASHKILIY- BOSHQARUV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI .....	323-328

*07.00.00-Тарих фанлари*

**Маҳмудов Эркинжон Асқаралиевич**  
ФарДУ Жаҳон тарихи кафедраси  
катта ўқитувчиси

### **АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРГОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Мақолада Ўрта Осиёни араблар томонидан эгалланиши тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ал-Балозурининг “Китоб футух ал-булдон” асари таҳлил этилади. Манбада келтирилган Фарғона тарихига оид маълумотларга асосий эътибор қаратилган. Жумладан, бир қанча Араб халифалигининг ал-Ироқ ва Хуросондаги волийлари даврида водийга амалга оширган ҳарбий юришлар бошқа араб манбаларига қиёсий ўрганиш асосида тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ал-Балозурӣ, “Китоб футух ал-булдон”, Фарғона, ал-Ироқ, Хуросон, Қутайба ибн Муслим, Сайд ибн Амр ал-Ҳараший, Муслим ибн Сайд, ал-Ашрас.

**Mahmudov Erkinjon Askaralievich**  
Senior lecturer of the Department of  
World History of Fergana State University

### **INFORMATION ABOUT THE CONQUEST OF FERGHANA BY THE ARABS AND THEIR ANALYSIS**

**Abstract.** The article analyzes Abu-l-'Abbas Ahmad ibn Yahya Al-Balozuri's "Kitab Futuh Al-Buldon", considered an important source in the study of the history of the Arab occupation of Central Asia. The main attention is paid to the references to the history of Fergana, which are presented in the source. In particular, the military campaigns that a number of Arab caliphates undertook in the valley under their Wali in al-'Iraq and Khurosan were researched on the basis of comparative study to other Arab sources.

**Keywords and phrases:** Abu-l-'Abbas Ahmad ibn Yahya Al-Balozuri, "Kitab Futuh Al-Buldon", Fergana, al-'Iraq, Khurosan, Qutayba Ibn Muslim, sa'id ibn 'Amr al-Harashiy, Muslim Ibn Sa'id, Al-Ashras.

**Махмудов Эркинжон Асқаралиевич**  
Старший преподаватель кафедры всеобщей истории  
Ферганского государственного университета

### **СВЕДЕНИЯ О ЗАВОЕВАНИИ ФЕРГАНЫ АРАБАМИ И ИХ АНАЛИЗ**

**Аннотация.** В статье анализируется “Китаб футух аль-бульдон” Абу-л-Аббаса Ахмада ибн Яхъя Аль-Балазури, который считается важным источником в изучении истории арабского завоевания Средней Азии. Основное внимание уделяется информации по истории Ферганы, представленной в источнике. В частности, военные походы нескольких арабских халифатов в долину во время их правления в Аль-Ираке и Хорасане были исследованы на основе сравнительного изучения других арабских источников.

**Ключевые слова:** Абу-л-Аббас Ахмад ибн Яхъя аль-балазури, “Китаб футух аль-бульдон”, Фергана, аль-Ирак, Хорасан, Қутайба ибн Муслим, Сайд ибн Амр аль-Ҳараший, Муслим ибн Сайд, Аль-ашрас.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I10Y2023N06>

**Кириш.** VII асрнинг ўрталаридан бошлаб Араб халифалиги Хуросон ва Мовароуннаҳрни истило қилиш мақсадида ҳарбий юришлар бошлади. Мовароуннаҳр – Мовароуннаҳр араб тилида “дарё ортидаги [ер]” маъносини билдиради. VII асрдан сўнг Амударёдан шимолда, яъни Араб халифалиги таркибига кирувчи Ўрта Осиёда жойлашган ерлар шундай ном билан аталган. Ўрта асрларда бу номнинг форсча Вароруд шакли ҳам ишлатилган бўлиб, Тоҳирийлар даврида (IX) бу ном ҳудудий жиҳатдан Хуросон вилоятининг давоми ва ал-Машриқ номли “маъмур ер” (“руб’ маскун”)нинг бир қисми сифатида тушунилган. Сомонийлар ҳукмронлиги бошланганда (IX аср охирлари) эса Мовароуннаҳр алоҳида маъмурий бирлик ҳисобланиб, Х асрдан бошлаб унга Хуросон ҳам қарашли бўлган. Ҳокимият Қорахонийлар қўлига ўтгандан кейин Мовароуннаҳр Туркистон номи билан ҳам аталган бўлиб, бу ном остида Араб халифалиги таркибига кирган қадимги Туркистон ерлари назарда тутилган.[13]

Хуросон – Ўрта Осиёning жануби-ғарби ва Эроннинг шимоли-шарқида жойлашган тарихий вилоят. Унинг номи паҳлавий тилида *xwrasan* – “куёшнинг чиқиши”, “шарқ” маъносини билдиради. Сосонийлар даврида Хуросон Эроннинг шимоли-шарқидаги алоҳида маъмурий бирликни ташкил этган бўлиб, унда Бахл (Балх), Марв, Ҳаре(в) (Хирот), Гушан(г), Тос (Тус), Нев-Шахпур (Нишопур), Каен, Даҳистон, Комиш каби шаҳар ва вилоятлар бўлган. Хуросон ҳукмдори испахбад деб аталган.[14]

Араблар босқини бу ҳудудларда яшаётган ҳалқлар учун оғир синов бўлди. Кучли душманга юзма-юз келган маҳаллий ҳукмдорлар босқинчиларга қарши курашда бир-биридан ёрдам олишга, ғанимларга қарши ягона коалиция тузишга ҳаракат қилдилар. VII асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида истилочилар ҳужумига дучор бўлган Сосонийлар давлати ва Суғд ҳукмдорларининг даъвати билан Фарғона подшолари ҳам қарши жангларда иштирок эта бошладилар.

Фарғона водийсига арабларнинг кириб келиши Қутайба ибн Муслим томонидан 713–715 йилларда амалга оширилган ҳарбий юришлардан бир неча ўн йил олдин содир бўлганлиги тарихий манбалардаги маълумотлар орқали бизгача етиб келган. Арабларнинг VII аср биринчи ярмида ва ундан кейинги даврларда Фарғонага босқинлари бу ерда сиёсий инқироз авжига чиққан вақтга тўғри келади.

Араб халифалиги даврида Осиёning катта қисми араблар ҳамда уларнинг ёрдамчилари бўлган форслар томонидан эгалланади. Ўрта Осиёning энг кеч араблар томонидан эгалланган ҳудуди Фарғона водийси ҳисобланади. Фарғонанинг нисбатан кеч эгалланишининг турли сабаблари бор. Аввало, водийнинг қулай географик жойлашуви арабларга қарши курашда шарқдаги қўплаб қабилалар ҳамда хитойликлардан кўмак олишига қўл келади. Шунинг учун араблар бирнеча ўн йиллар мобайнида Фарғонага гоҳ ғолибона, гоҳида эса омадсиз ҳарбий юришлар ташкил этишган. Ушбу ҳарбий юришларнинг тарихини ўрганишда араб тилли манбалар [1-9], жумладан Абу-л-Ҷабар Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурийнинг “Китоб футух ал-булдон” асари асосий ўрин тутади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Балазурий IX асрда яшаган тарихчи ва географ олим, мусулмон тарихчиларининг дастлабкиси ҳисобланган Мадоинийнинг шогирдидир. Унинг биз учун энг муҳим асари “Китоб футух ал-булдон” Араб халифалигининг Ўрта Осиё, жумладан, Фарғона водийсига бир аср давомидаги истилочилик юришлари тарихини ўрганиш бўйича асосий манбалардан бири

ҳисобланади. Асарнинг араб тилидаги танқидий матни де Гуе томонидан Лейденда 1866 йилда нашр этилган [11: 1376]. “Китоб футух ал-булдон”нинг Хурросон истилоси қисми тоҷикистонлик олим Г.Гоипов, Ш.Закиров [12: 10: 123-235] томонидан рус ва Ш.Камолиддин томонидан ўзбек тилига таржима қилинган [1]. Мазкур асарда Фарғона тўғрисида маълумотлар кам бўлсада, аммо маҳаллий манбалар йўқлиги сабаб ушбу маълумотлар ҳам тадқиқот учун аҳамиятлидир. Унда келтирилган маълумотларни бошқа манбалар билан қиёсий тарзда солиштириб фойдаланиш мумкин.

**Натижалар ва муҳокама.** Манбада Фарғонанинг араблар томонидан эгалланиши тўғрисида қуйидаги маълумотларни ўқишимиз мумкин: Дедилар: Кейин ал-Ҳажжож Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилийни Хурросонга [волий] этиб тайинлади.

[Кейин] Қутайба Марвга кетди ва укаси Солиҳни [қўшин билан] Мовароуннахрда қолдирди. Солиҳ Фарғона [вилояти]даги Косон ва Ураштни фатҳ этди. Наср ибн Сайёр у билан бирга унинг қўшинида эди. У Фарғонадаги ...харни фатҳ этди, [кейин] у Хишкатни фатҳ этди. Бу [Фарғона]нинг қадимги пойтахти эди. Косон ва Урашт аҳолиси [арабларга қарши] қўзғолон қўтарди ва уларни марҳум *амир ал-муъминин* ал-Мунтасир биллоҳ халифалиги [даври]да охирги бўлиб Нуҳ ибн Асад фатҳ этди.

У [яна] деди: [Қутайба] Байканд, Киш, Насаф ва аш-Шошни фатҳ этди ва Фарғонага юриш қилиб, унинг бир қисмини фатҳ этди. [Кейин] у ас-Суғд ва Ушрусанага юриш қилди [1: 33-36]. Ушбу таржимада арабларнинг VIII аср бошларида Фарғонага амалга оширилган муҳим ҳарбий юриши тасвиrlанган. Аммо арабларнинг бу юриши худудни халифалик таркибиغا қўшиб олиш эма, балки ҳарбий ўлжалар мақсадида амалга оширилган. Чунки орадан таҳминан 2 йил ўтгач Қутайбанинг шахсан ўзи водийга бостириб келади ҳамда унинг катта қисмини забт этади.

Фарғонани тўлалигича халифаликка бўйсундириш Қутайбага насиб этмайди. У 715 йилда Фарғонада араб аскарлари томонидан ўлдирилади. Бу ҳақда Балозурий шундай ҳикоя қиласиди: [Лекин шунга қарамай], Ваки' ибн Ҳассон Қутайбанинг чодири томон юрди. [Одамлар] унга қўшилдилар. Қутайба ўзининг оиласи ва унга содик қолган одамлар билан [бирга ўтирган] эди. Унинг укаси Солиҳ ўзининг ғуломига деди: “Менга камонимни бер”. Кимdir унга [бошини] чайқаб: “Бу кун камон [ишлатадиган] кун эмас”, деди. [Шу вақт] дабба қабиласидан [бўлган бир] одам [Солиҳ]га ўқ отиб, унинг кўксини яралади. У йиқилди. Уни чодирга олиб кирдилар ва у жон берди. Қутайба унинг боши устида [эди]. Қутайба Ҷаҳсамлар [қўшини]га бошлиқ қилган Ҳайёнга [тинмай]: “Ҳужум қил”, дер эди, у [эса]: “Ҳали эрта”, деб жавоб берар эди. [Шу вақт] Ҷаҳсамлар арабларга ҳужум қилдилар. Ҳайён [уларга] деди: “Эй, Ҷаҳсамлар! Нега сизлар Қутайба учун ўзларингни ўлдирипсизлар? Унинг сизларга яхшилаб келтирган кулфатлари учунми?» [Ҳайён] улар билан [бирга] тамим қабиласи [томон]га ўтди. Одамлар [орасида] ғулғула [бошланди]. Қутайба билан [фақат] унинг ака-укалари, оиласи аъзолари ва ас-Суғд подшоҳларининг ўғилларидан бир нечтаси қолиб, уни [оғир дамда] тарқ этишни истамадилар. Чодирнинг [ён] арқонлари ва [чодир] томининг арқонлари қирқилди, [чодирнинг томи] Қутайбанинг устига тушди, [чодир] томининг устуни [эса унинг] бошига тушиб, уни ўлдириди. Абдуллоҳ ибн Алвон унинг бошини [танасидан] жудо қилди.

[Баъзи] одамлар, улар [жумласи]да Ҳишом ибн ал-Калбий [ҳам шундай] дедилар: [Одамлар Қутайба] нинг чодирига [бостириб] кирдилар, [кейин] уни Жаҳм ибн Заҳр ал-Жуъфий ўлдириди, Саъд ибн Мажҳд уни [қилич билан] урди, Ибн Ҷалвон [эса] унинг бошини [танасидан] жудо қилди.

Дедилар: [Қутайба] билан [бирга яна бир қанча] одамлар – унинг ака-укалари, оиласи аъзолари ва ас-Саммў [исмли] хотини [ҳам] қатл этилдилар. [Фақат] Дирор ибн Муслим омон қолди, тамим қабиласи [одамлари] унга шафқат қилдилар.

[Кейин] ал-азд [қабиласининг одамлари] Қутайбанинг бошини ва унинг узугини олдилар. Қутайбанинг бошини Вакиъга келтирдилар. [Вакиъ] уни Салит ибн Атийя ал-Ханафий билан Сулаймон [ибн Абд ал-Малик]га юборди.

Одамлар боҳила [қабиласи] ни талон-тарож қилмоқчи бўлдилар, [лекин бошқалар уларни] бундан қайтардилар.

Вакиъ Абу Мижлаз Лоҳик ибн Хумайдга уни Марвга [ҳоким] этиб тайинлаш ҳақида [мактуб] ёзди. [Лоҳик] буни қабул қилди, одамлар [ҳам] бунга рози бўлдилар.

Қутайба ўлдирилган вақтда 55 ёшда эди [1: 39-40].

Асарда Муслим ибн Саъиднинг Фарғонага амалга оширган омадсиз юриши ҳам ҳикоя қилинади. Жумладан: ал-Ироқга [Шу вақт] Ҳишом Ҳолид ибн Абдуллоҳ ал-Қасрийни ал-Ироқга [волий] этиб тайинлади. [Ҳолид эса] укаси Асад ибн Абдуллоҳни Хуросонга волий этиб тайинлади. Муслим ибн Саъид бу [хабар]ни эшишиб, [Марвдан] кетди ва Фарғонага келди. [Муслим] унинг бош шаҳрини эгаллаб, [у ерда] дараҳтларни кесди ва иморатларни бузди. Турк хоқони қўшини билан унга қарши юриш қилди. [Муслим] Фарғонадан [зудлик билан] кетиб, бир кунда уч марҳала [масофа]ни босиб ўтди ва унинг отлари ҳолдан тойди. Турклар [келиб], унинг қўшинини йўқ қилдилар. Шоирлардан бири [бу ҳақида] деди:

Сен биз билан [вазифангдан] четлатилишингдан қўрқиб юриш қилдинг, [чунки сен] бош кўтарган эдинг.

[Лекин] сен ўзининг ғурурини [сенга] қўрсатган дунё қутула олмадинг [1:312]. Бундан кўринадики Муслим ибн Саъид ўз лавозимини сақлаб қолиш мақсадида водийга ғолибона юриш қилган. Аммо унинг режаси амалга ошмади ва бу арабларга қимматга тушди.

Асарнинг халифа ал Маъмунга бағишлиланган қисмида муаллиф Фарғонанинг тўлиқ эгалланиш жараёни ҳақида маълумот беради. Жумладан: Дедилар: *амир ал-муъминин* ал Маъмун халифа бўлганда, ас-Суғд ва Ушрусанага, [шунингдек], унга қарши қўзғолон кўтарган Фарғона аҳлига карши қўшин юборди. У Хуросонда турган даврида [ҳам], ундан кейин [ҳам] уларга қарши [тўхтовсиз] урушлар ва юришлар олиб борди. [ал-Маъмун] уларга [қарши] отлиқ [қўшин]ларни юборганда, уларни ислом [дини] қабул этишга, итоат қилишга даъват этар ва уларни [бойликлар билан] қизиқтириб, [мактублар ҳам] ёзар эди [1: 340]. Бу маълумотлардан кўринадики, IX аср бошларида ҳам араблар томонидан бўйсундирилган Ўрта Осиёнинг қолган ҳудудлари қаторида Фарғона маърифатли халифа сифатида таърифланган ал Маъмунга қарши исён кўтаради. Ал Маъмун эса уларни фақат қурол кучи билан эмас, балки дипломатик йўллар билан ҳам тинчлантиришга уринади.

Балозурий ўз асарининг ал-Муътасим тарихига бағишлиланган қисмида муҳим маълумот бериб ўтади унда: Кейин ал-Муътасим биллоҳ халифа бўлди. У ҳам худди шундай [қилар] эди. Ҳатто [шундай бўлдики], [энди] унинг қўшинининг қўпчилик қисмини суғдлар, фарғоналиклар, ушрусаналиклар, шошликлар ва бошқалардан [иборат] Мовароуннаҳр аҳли ташкил этди. Уларнинг подшоҳлари унинг олдига [кўп] келар эдилар ва у ерлардаги аҳоли орасида ислом ғалаба қилди. У мамлакат аҳли [энди] орқа томондаги туркларга [қарши ўzlари] юриш қила бошладилар.

Абдуллоҳ ибн Тоҳир ўғли Тоҳир ибн Абдуллоҳни ғузлар мамлакатига юриш [қилиш учун] юборди. [Тоҳир] ундан олдин ҳали [араблардан] ҳеч кимнинг [оёғи]

етмаган ерларни фатҳ этди. Менга ал-Умарий, [у эса] ал-Ҳайсам ибн Адий [сўзи]дан, [у эса] Ибн Айёш [сўзи]дан гапириб бердики, Қутайба арабларни Мовароуннахрга кўчириб келтирди, уларни ҳатто Фарғона ва аш-Шош ерларига [ҳам] жойлаштириди [1: 347]. Ушбу маълумотлардан хулоса қилсак, араблар халифа ал-Муътасим даврида Ўрта Осиёни тўлиғича бўйсундириб, уларнинг маҳаллий аҳолиси ўзларининг хизматларига олишни бошлашади. Шунингдек, маҳаллий аҳоли устидан ўз сиёсатлари юргизишни осонлаштириш мақсадида Ўрта Осиёга араб қабилаларини жойлаштришадилар.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, Араб халифалиги бошқаруви даврида Фарғонада юз берган сиёсий жараёнларни ўрганишда Балозурий асарида қимматли манбалар сирасига киради. Унда келтирилган Фарғонани эгалланиши, Қутайбанинг водийда ўлдирилиши ва бошқа маълумотлар тарихимизни тиклашда муҳим ўрин тутади.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ал-Балозурий. Футух ал-булдон. Хурсоннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳ- лар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.Камолиддин. Фарғона: Classik, 2022.
2. Абу Умар Халифа ибн Хаййот ал-Лайсий ал-Усфурний. Тарих Халифа ибн Хаййот / Акрам Зийо ал-Умарий нашри. Димашқ – Байрут: Дор ал-Қалам – My'assasat ар-Рисола, 1397/1977 (<http://www.shamela.ws> ).
3. Абу Ҳанифа Аҳмад ибн Довуд ад-Динаварий. ал-Ахбор ат-Тивол / Жамол ад-Дин аш-Шийол ва Абд ал-Муним Омир нашри. ал-Қоҳира, 1960.
4. Аҳмад ибн Абу Йақуб ибн Жафар ибн Ваҳб ибн Водиҳ ал-Котиб ал-Аббосий ал-маъруф би-л-Йақубий. Тарих / Байрут: Дор Содир (<http://www.shamela.ws>)
5. Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Асам ал-Куфий. Китоб ал-Футух / Али Ширий нашри. 8 жилдлик. Байрут: Дор ал-Адво, 1411/1991.
6. Abu Djafar Mohammed ibn Djarir at-Tabari, Annales / Ed. M.J. de Goeje, I – III series. Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1964.
7. Abu Muhammad Ahmad ibn A'tham al-Kufi. Kitab al-Futuh / Ed. by Sayyid Abdul Wahab Bukhari (First Edition). I – VIII volumes. Hyder- abad: Osmaniya University, 1388 1390 – 1390/1968 – 1970.
8. Ahmad ibn Abi Jakub ibn Wadhih al-Katib al-Jakubi. Kitab al-Buldan / Ed. M.J. de Goeje. BGA, pars 7. Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1967, p. 231 – 273.
9. Motahhar ben Tahir el-Maqdisi. Le Livre de la Création et de l'Histoire attribué a Abou-Zéid Ahmed ben Sahl el-Balkhi / Publié et traduit d'après le Manuscrit de Constantinople par M.Cl. Huart. Tome Sixième. Paris: Editions Ernest Leroux, 1919.
10. Ал-Балазури. Китаб футух ал-булдан (Книга завоевание стран) / Пер. Ш.Закирова // Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2003. – С. 154–218.
11. Al-Balazuri. Liber expugnationis regionum, auctore Imamo Ahmed ibn Jahja ibn Djabir al-Belol, quem a codice Leidensi et codice Musei Britannici ed. M.J.de Goeje, Lungduni Batavorum, 1866. – 1376 р.
12. Ал-Балазури, Аҳмед ибн Йаҳйа ибн Джабир. Завоевание Хорасана (извлечение из сочинения «Футух ал-Булдан») Перевод с арабского языка, введение, комментарии и указатели Г.Гоипова. – Душанбе: Дониш, 1987. – 111с.
13. Ибн ал-Асир. Торнберг. VII: 182; IX: 65., Китоб сурат ул-ард. – Б. 94–95.
14. Markwart. 1931. – Р. 8–12.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 10 (3) – 2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).